

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ НОРМЎМИН НОРМАМОТОВИЧ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ
КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШДА
ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Монография)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ НОРМЎМИН НОРМАМОТОВИЧ

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА
ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

**“LESSON PRESS” нашриёти
ТОШКЕНТ-2021**

УЎК: 657.6-051

КБК: 65.053

Мавланов. Н. Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тахлил методикасини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти. 2021 й. 189 бет.

Ушбу монография АМ-ПЗ-2019062030 сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини яратиш” мавзусидаги амалий грант доирасида яратилган.

Монографияда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тахлил методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар акс эттирилган. Монографиядан олий ўқув юртларининг иқтисодий соҳадаги ўқитувчилари, магистрантлар, шу соҳадаги илмий изланувчилар, малака ошириш тингловчилари, шунингдек банк ҳодимлари, аудиторлар, бухгалтерлар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари фойдаланишлари мумкин.

Иқтисод фанлари доктори, профессор
И.Н.Қўзиев таҳрири остида.

Тақризчилар:
И.ф.н., доц. Ҳакимов Б.Ж.
И.ф.н., доц. Куллиев И.Я.

X/R30359/141
TMI қўнижонаси

Мазкур монография Тошкент молия иснтитути Кенгashiда мухокама этилган ва нашрга тавсия қилинган (2020 йил 28 ноябрдаги 4/8.7-сонли Кенгаш қарори).

ISBN: 978-9943-6935-4-8

“LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти, 2021й

КИРИШ

Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектларни моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини молиялаштиришда банк кредитларидан фойдаланиш иқтисодий ривожланиш, баркарор ўсиш ва тараққиётни таъминлаш, фаровонликни оширишнинг муҳим омилларидан бири хисобланади. Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциациясидан кредит олишга бўлган талаб 2013 йилдан 2017 йилгача 219 миллиард доллардан ортиқни ташкил этди¹. Жаҳон иқтисодиёти тажрибаси кўрсатишича хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ва ривожланишида кредит муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда ва банк кредитларидан фойдаланиш қўлами, ҳам кенгайиб, ҳам ошиб бормоқда. Мазкур жараёнда асосий вазифа кредит маблағларидан иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вактида қайтаришдир. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кредит маблағлари ва у билан боғлиқ муносабатларни кенг кўламда молиявий тахлил қилишни талаб этмоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасаларидан бири хисобланган Жаҳон банки томонидан иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда банк кредитлари улушкини янада ошириш мақсадида ҳудудлар иқтисодий ривожланиши, баркарор ўсиши ва фаровонликни таъминлаш йўналишларида тадқиқотлар ўtkазилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор кредит ҳажмини оширишга қаратилғанлиги билан аҳамият касб этади. Бирок, бу жараёнда кредит тўловлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили етарлича ўрганилмаган. Кредит муносабатларида банклар молиявий барқарорлиги ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодини ривожланишини таъминлаш учун кредит рискини минималлаштириш талаб этилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва баҳолашни амалдаги усуулларидаги камчиликлар мазкур муаммони тўлиқ ҳал этиб бера олмайди.

¹ <http://www.worldbank.org/en/news/press-release/2016/07/12/world-bank-group-support-tops-61-billion-in-fiscal-year-2016>.
World Bank Lending Fiscal 2017

Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги кредитга лаёқатлилик таҳлили ва баҳолашни хориж ва маҳаллий тажрибалар, миллий иқтисодиёт талаблари асосида такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Республикамиз иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтириш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кредит муносабатлари бўйича самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясида “... истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш”² га алоҳида эътибор қаратилган. Миллий иқтисодиётимизда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар кўйинламалири 2011 йилга нисбатан 2017 йилда 734,6 фоизга ошган³. Бу эса, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация килиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, юқори кўшимча қийматли рақобатдош маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринларини яратишда муҳим манба бўлмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Фармони Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайди.. <http://www.cbu.uz>

1 БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг назарий - услубий асослари

Республикамиз мустакилликка эришгандан сўнг турли мулкчилик шаклидаги субъектлар, яъни мулк эгалари пайдо бўла бошлади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади[1; 18-б.]. Бунда мулкдорлар олдида турган вазифа мулкнинг дахлсизлигини саклаш ва уни янада кўпайтириб боришидир. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини банк кредитлари хисобига молиялаштиришлари ва ундан иқтисодий самара олиш хисобига мулкий кийматликларини янада оширишларига бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини банк кредитлари хисобига қопланиши йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит кўйилмалари ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит кўйилмаларнинг динамиқ таҳлили⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.Кредит қўйилмалари	15052	22775	26530	34809	42685	52611	110572
2.Ўсиш дарожаси:							
2.1.Зашхирли усул	100,00	151,31	116,49	131,21	122,63	123,25	210,17
2.2.Базисли усул	100,00	151,31	176,26	231,26	283,58	349,53	734,60

1.1-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда занжирли усулда ўзидан олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати яъни, 2017 йил 2016 йилга нисбатан 210,17 ўсганлиги, базисли усулда асос йилига нисбатан ўсиш суръати яъни, 2017 йил 2011 йилга нисбатан 734,6 фоизга ўсганлигини

⁴ <https://www.cbu.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

кўришимиз мумкин. Бундай юқори суръатларда ўсиш ушбу соҳанинг ҳам шундай суръатларда ривожланиш заруриятини келтириб чикаради.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар ўртасида бўладиган кредит муносабатларнда икки томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аник тартиб ва таомилларни белгилаш муҳим масала ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан - олинган кредитлардан мақсадли фойдаланиш ҳисобига кредит суммаси ва фоизини ўз вақтида тўлаш ҳамда фойда олишиш ҳисобланади.

Банк томонидан - кредит рискини аниқ белгилаш ва уни имкон қадар пасайтириш оркали юқори ликвидлик ва баркарорликка эришиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил этиш хўжалик юритувчи субъект учун ҳам банк учун ҳам ҳар қачонгидан муаммолироқ мавзуга айланмокда. Негаки, кредитга лаёқатлиликни тахлил этиш ва баҳолашнинг бугунги мазмуни шунчаки, оддий ҳисоб-китоблар асосида амалга ошириладиган жараён эмас.

Мижознинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси ilk бора иқтисодий адабиётларда XVIII асрда, жумладан А.Смит, Д. Кейнс, Н. Бунге ва Б. Коссински асарларида пайдо бўлган. Бунгача қарз олувчиларни кредит лаёқатлилигига қизикиш бўлган, аммо тизимли баҳолаш усуслари мавжуд бўлмаган.

Иқтисодчи олимлар кредитга лаёқатлилик тушунчасини турли хил кўринишда талқин қилишган. Жумладан, В.И.Колесникованинг[60; 428-б.] таърифи қуйидагича:

- қарз олувчи нуктаи назаридан – кредит битими тузиш қобилияти, олинган кредитни ўз вақтида қайтара олиш имконияти;
- банк томонидан – бериладиган кредит миқдорини тўғри аниқлаш кўринишида талқин этган.

Ш.З.Абдуллаева фикрича ҳам кредитга лаёқатлилик тушунчасини икки томонлама кўриб чиқиши тавсия этганлар[16; 239-240-б.]:

Қарз олувчи нуқтаи назаридан - кредитга лаёқатлилик даражаси кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вактида қайтара олиш қобилияти билан баҳоланади.

Банк нуқтаи назаридан - хўжалик юритувчи субъектга бериладиган кредитнинг ҳажмини тўғри аниклай олиш маъсулияти инобатга олинади.

Замонавий иқтисодчи олимлар томонидан кредитга лаёқатлилик тушунчасига турли хил таърифлар берилган.

Жумладан, профессор О.И. Лаврушин банк нуқтаи назаридан мижознинг кредитга лаёқатлилиги – бу қарздорни ўз қарз мажбуриятларини тўлаш учун тўлиқ ва ўз вактида(асосий қарз ва фоиз) тўлай олиш қобилиятидир. Қарздор нуқтаи назаридан қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги – бу берилган кредит суммасини ўз вактида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир[62; 338-б.] дея таъкидлайди.

Иқтисодчи олим Т.М. Костеринанинг фикри ҳам ушбу муаллифнинг фикрига мос келади.

А.М. Тавасиев фикрича, кредитга лаёқатлилик – бу қарздорнинг ўз вактида ва тўлиқ кредит суммасини (асосий қарз ва фоизи) тўлашга кодирлиги ва тайёрлигидир[67; 863-б.] дея таъриф беради.

В.М. Янишевская таъкидлашича, кредит тўловига лаёқатлилик – бу банк томонидан мижозга кредит ажратиш мумкинлиги ва унинг мақсадга муофиклиги нуқтаи назаридан мижознинг кредит ва унинг фоизларини келажакда ўз вактида қайтара олиш имкониятидир[49; 5-б.] деб эътироф этади.

В.С. Просалова ўз изланишлари натижасида, кредитга лаёқатлилик – қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолиятини қониқарли баҳоланиши ва ижобий кредит тарихининг мавжудлиги асосида қайтаришлилик, муддатлилик ҳамда тўловлилик шартларида кредит шартномасини тузиш қобилиятидир[35; 17-б.] деган таърифни шакллантирган.

Кредитга лаёқатлилик тушунчасига Республикамиз иқтисодчи олимлари Ё.Абдуллаев ва бошқа муаллифлар томонидан мижознинг кредитга

лаёқатлилиги деганда қарз олувчининг олган қарзини (асосий қарзини ва уни фоизини) тўла ва ўз вақтида қайтариш қобилияти тарзида муаллифлик таърифи шакллантирилган[50; 354-б.].

Юкоридаги мазмундаги таъриф иқтисодчи олим М.Қ.Пардаев томонидан ҳам келтирилади. Муаллиф томонидан “Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги деганда - унинг кредит олиш ва ўз вақтида олинган кредитни тўлиқ қайтариш қобилияти тушунилади”[63; 219-б.] деб муносабат билдирилган.

Соҳаси мутахассиси У.Ў.Азизов томонидан “кредитга лаёқатлилик – бу мижознинг унга ажратилиши мумкин бўлган кредитни ўз вақтида фоизлари билан қайтара олиш қобилиятидир”[19; 100-б.] деган таърифни келтирадилар.

Кредитга лаёқатлилик тушунчасига С.Қ.Махмудов томонидан “хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилиги деганда уни кредит бўйича юзага келган мажбуриятларининг ўз вақтида бажара олиши тушунилади”[31; 101-б.] деб муаллифлик таърифини шакллантирган.

Юкорида келтирилган таърифларнинг баъзилари мазмун жиҳатдан бир-бирига мос келади, баъзилари эса ўз фарқли томонларга эга. Бу эса ушбу атамани мазмунан батафсил ёритиб беришнинг илмий асосланган таърифини шакллантириши талаб этади. Юкоридагилардан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилик тушунчасига куйидагича муаллифлик таърифини беришни лозим топдик.

Кредитга лаёқатлилик – бу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари яосида унинг келгусидаги имкониятларини прогнозлаш орқали кредит (асосий қарз ва фоизи)ни иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир.

Ушбу муаллифлик таърифининг фарқли жиҳатлари молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар, прогнозлаш ва иқтисодий самара каби тушунчаларнинг киритилганлигидир.

Б.Ш.Маматов ва бошқаларнинг фикрича, кредитга лаёқатлилик тўловга кобилликдан фарқли ўлароқ, маълум даврдаги ёки аниқ санадаги тўловсизликни акс эттирмайди, балки мижознинг якин келажакдаги карз мажбуриятларини тўлаш қобилиятини башорат қилишни англатади[29; 52-б.]

Бундан келиб чиқадики, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини тахлил қилишда тугалланган давр маълумотларини ўрганиш, етарли хулоса шакллантиришга асос бўла олмайди. Бунинг учун, хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини прогнозлаш заруряти юзага келади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида келгусидаги имкониятларини прогнозлаш орқали кредитга лаёқатлиигига тўлиқ ва аниқ баҳо бериш мумкин.

А.С.Выскребенцеванинг фикрича, умумий ҳолда, кредитга лаёқатлиикни баҳолаш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бирини ҳисоблаш ва баҳолаш осон эмас[22, 10-б.].

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда дастлаб молиявий кўрсаткичлар (ликвидлилик, баланси ликвидлиги, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик, самарадорлик) ва кейинчалик номолиявий кўрсаткичлар (бизнес обрўси, кредит тарихи, бошқарув самарадорлиги ва бошқалар)ни тахлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Иктисадчи олим И.В.Фролов фикрича, кредитга лаёқатлиикни муайян миқдорий талқин қилиниши жуда муҳимдир чунки, амалдаги ва ишлаб чиқилаётган тахлил услублари натижавий кўрсаткичларни релевантлик ва амалий жиҳатдан ишончли баҳолашга имкон беради[45; 16-б.].

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини миқдорий жиҳатдан баҳолашда молиявий кўрсаткичлардан амалиётда кенг фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, ликвидлилик кўрсаткичлари, баланс ликвидлиги, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичлари муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил килиш ва унинг натижаси асосида баҳолашда асосий эътибор қаратиладиган кўрсаткичлардан бири бу ликвидлилик кўрсаткичидир. Чунки, маблағларнинг ликвид бўлиши мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлик қайтариш имконини беради.

М.Ю.Рахимовнинг фикрича, ликвидлилик - деганда хўжалик юритувчи субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурсларнинг(активларнинг) харакатчанлигига, муддатли молиявий мажбуриятларни яқин келажакда қоплаш юзасидан маблағларнинг мавжудлигига айтилади[65; 306-б.].

Фикримизча, ликвидлилик кўрсаткичлари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг яқин келажакда юзага келадиган мажбуриятларини ликвид маблағлар билан қоплай олиш даражаси баҳоланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда баланс ликвидлигини тахлил қилиш заруряти юзага келади.

3.А. Сагдиллаева ва бошқалар фикрича, баланс ликвидлиги корхона мажбуриятларини унинг активлари билан қоплаш даражаси сифатида таърифланади, уларнинг пул шаклига ўтиш муддатлари мажбуриятларни қайтариш муддатларига мос келади[66; 168-б.] дея эътироф этган.

Баланс ликвидлиги тахлилида бухгалтерия баланси актив моддаларини ликвидлилигига кўра, пассив моддаларини қайтариш муддатларига кўра гурӯхларга ажратиш орқали ўзаро фарқлашни ифода этади.

3.А. Сагдиллаева ва бошқалар таъкидлашича, баланс ликвидлиги тахлили ёрдамида ликвидлик нуқтаи назаридан корхоналардаги молиявий вазият ўзгаришига баҳо берилади[66; 174-б.].

Бундан кўринадики, баланс ликвидлиги хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволини ўрганишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ўрганилиши зарур кўрсаткичлардан бири айланма маблағлар айланувчанлиги кўрсаткичидир.

А.В.Ваҳобов ва бошқалар таъкидлашича, айланма маблағлар

айланувчанлиги деганда уларнинг пулга айганиш тезлиги тушунилади[55; 348-б.].

Иқтисодчи олимлар Н.В. Войтовского ва бошқаларнинг фикрича, айланма маблағлар айланувчанлиги хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосида бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади ва унинг муҳим йўналишлари белгиланади[54; 348-б.].

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда яна муҳим кўрсаткичлардан бири молиявий барқарорлик кўрсаткичларидир.

В.И. Макарева ва А.В. Андреевалар фикрича, молиявий барқарорлик корхоналарнинг активлари ҳолати ва таркиби, уларнинг манбалар билан таъминланганлиги билан тавсифланади. У тижорат ҳамкори сифатида корхона ишончлигининг асосий мезони ҳисобланади[28; 18-б.].

Соҳа олимлари З.А. Сагдиллаева ва бошқалар таъкидлашича, молиявий барқарорлик корхона фаолиятининг бутун жараёнини белгилаб берувчи энг муҳим дастак ва шарт ҳисобланади[66; 175-б.].

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини аниклашда рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларнинг ижобий бўлиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш имконини беради.

М.Қ. Пардаев ва бошқалар фикрича, рентабеллик корхона фаолияти самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичи ҳисобланади[64; 387-б.].

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятта эга.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда номолиявий кўрсаткичларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Номолиявий кўрсаткичлар кредитга лаёқатлиликни баҳолашда молиявий кўрсаткичлар воситасида аниклаб бўлмайдиган, лекин мазкур

масала учун мұхим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниш ёрдамида амалга ошириладиган ҳамда карор қабул қилиш учун асос бўладиган алоҳида мұносабатлардир.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини белгиловчи номолиявий кўрсаткичларга бизнес обўси, бошқариш ва ташкилотчилик, лойиҳанинг реалиги, кредит тарихи, кредит таъминоти, иқтисодий салоҳияти, технологияларни ўзлаштириш даражаси, товарларнинг ракобатбардошлиқ даражасини киритиш мақсадга мувофиқдир(1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини белгиловчи номолиявий кўрсаткичлари⁵

№	Молиявий бўлмаган жиҳатлари	Кисқача изоҳ
1	Бизнес обўси	Соҳа ва тармоқдаги ўрни, бозордаги обўси, мол етказиб берувчи ва харидорлар билан мұносабатлари ва юкори бренданга эга бўлиши
2	Бошқариш ва ташкилотчилик[25; 92-б.]	Таъсисчилар ва унинг ташқиши тузилмаси. Бошқариш самарадорлиги, ходимлар таваккалчилити, прогностизацияда ходимлар малакаси
3	Лойиҳанинг реалиги	Лойиҳа байкининг кредит сиёсати талабларига мос келиши ва асосланган ахборот манбаларига эга бўлиши, лойиҳанинг амалга ошириди жиҳотига мавжудлиги яъни корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда тулодиги оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тўлашга етарли бўлиши, лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланганилиги, комплентент ходимларининг етарли бўлиши, кулагӣ табиият шароит, етарли инфраструктура ва коммунал хизматлар мавжуд бўлиши.
4	Кредит тарихи	Олдинги ва жорий даврларда олинган кредитларни қайтарниш ҳолати ҳамда мавжудлиги, кредит ёши(муддати), мижозининг фаолият даври, карз маблагларидан фойдаланиш хилма-хиллиги
5	Кредит таъминоти, кағисилик ва сугурта полиси	Таъминотининг сифати, эгалик ҳукуқи, ликвидливиги, унинг жойлашган ўрни, баланс киймати, сотилиши нархи, маънавий эскириш эҳтимоли, кағисилинг бизнес обўси, сугурта полисининг қамрови ва даврийиги
6	Иқтисодий салоҳияти	Мижозини соҳа ва тармоқда технологик ҳамда иқтисодий вазият ўзгаришига мослашувчаник даражаси, ресурсларининг мавжудлиги, ҳолати ва сифати.
7	Технологияларни ўзлаштириш даражаси	Ракобатдош мұхитни шакллаштириш учун инновациялык техника ва технологияларни жалб этиш ҳолати
8	Товарларнинг ракобатбардошлиқ даражаси	Товарлар ассортименти ва номеклатураси хилма-хиллиги, сифати, ракобатдошиги, сотиш сервиси

Иқтисодий адабиётларда хўжалик юритувчи субъектлар кредитга

⁵ Илмий тадқиқот натижасида мұалитиф ишләнмасы.

лаёкатлилиги таҳлилининг услубий жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги кўзга ташланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда кредит муносабатлари ва уларни бухгалтерия хисобида акс эттириш ҳамда таҳлил килиш жараёнларининг услубий асослари хўжалик юритувчи субъект ва банклар фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари ва улар асосида Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдикланган ҳамда белгиланган тартибда Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтган меъёрий хужжатлар асосида тартибга солинади.

Биз томонимиздан, хўжалик юритувчи субъект ва банк ўртасидаги кредит муносабатларини ҳукуқий тартибга солиш тизимини учта поғонага бўлиб, тизимлаштирилди:

1. Кредит муносабатларини ҳукуқий тартибга солишнинг биринчи(юқори) поғонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари турди.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёкатлилиги таҳлили ва баҳолашда меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи поғонаси – бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва бошқа меъёрий хужжатларни ўз ичига олади.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёкатлилиги таҳлили ва баҳолашда меъёрий тартибга солиш тизимининг учинчи(куюи) поғонаси – ички ишчи хужожатлар хўжалик юритувчи субъектнинг хисоб сиёсати ва банкнинг кредит сиёсатини ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86-сонли буйруғи билан тасдикланган(ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 й.

474-сон билан рўйхатга олинган) 1-сон-“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли БҲМС асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу стандарт молиявий ҳисоботларда улардан фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати истиқболини белгилашда, хусусан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилашда ёрдам берадиган қуидаги ахборотларни шакллантириб беради[9; 24-б.]:

- хўжалик юритувчи субъект назорати остидаги активлар тўғрисида (нақд пул маблаги тушумларининг ёки бошқа иқтисодий манфаатларнинг манбаи бўлган активлар тўғрисида);
- хўжалик юритувчи субъектнинг (пул маблағларининг эҳтимол тутилган камайиши ёки бошқа иқтисодий манфаат манбалари бўлган) мажбуриятлари тўғрисида;
- хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурсларига (субъект эгаларининг бадаллари ва мулк эгаларига тўловлардан ташқари) ўзгартиш киритадиган тақсимланмаган фойда тўғрисида;
- пул маблагининг ҳаракати тўғрисида (келгусида пул оқимларининг эҳтимол тутилган ҳаракати кўрсаткичлари сифатида).


Бундай ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг дивиденdlар ва фоизларни тўлаш, шунингдек мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур бўлади[9; 24-б.].

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида қарз муносабатларини акс эттиришда юқоридаги талабларни ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёкатлилигини ўрганишда ҳар бир тижорат банки томонидан ишлаб чиқиладиган кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш тартиби(кредит сиёсати) услубий асос бўлиб ҳизмат қиласи.

Кредит сиёсатининг йўналишларида бериладиган кредитларнинг ҳажми ва шакли, кисқа ва узок муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат, молиявий ахборотларни тахлил қилиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс этирилиши лозим[11].

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва баҳолашнинг услугий асослари қуидагича акс этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз(1.1-расм).



1.1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва баҳолашнинг услугий асослари⁶

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва баҳолашнинг меъёрий-хукукий асосларининг поғоналари (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва баҳолашнинг меъёрий-хукукий асосларининг поғоналари⁷

Поғоналар	Асос	Амалдаги тегништи меъёрий-хукукий ҳужжатлар
Биринчи (юқори) поғона	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Конутилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 08.12.1992 й., Фуқаролик Кодекси, 21.12.1995 йил(янги таҳрир. 11.12.2014 й.), "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Конуни янги таҳрир, 13.04.2016 й., ЎРҚ-404-сон, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Конуни, 25.04.1996 й., ЎРҚ-216-1-сон, "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ юзлиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони, 21.03.2000 й., ГФ-2564-сон, "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларни ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида" ги Қарори, 28.07.2015 й., ВМ-207-сон.

⁶ Илмий тадқиқоттар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

⁷ Норматив-хукукий ҳумокалар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Иккинчи погона	Бухгалтерия хисобининг миллый стандартлари (БХМС) ва бошқа мөърий хўжоатлар	"Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот" номли 1-сон БХМС, "Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ходисаларн" номли 16-сон БХМС, "Қарзлар бўйича харожатлар хисоби" номли 24-сон БХМС, Марказий банкининг "Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида" ги Низоми янги таҳфири, 02.03.2000 й., 905-сон.
Учинчи (қўйи) погонаси	Ични ишчи хўжоатлар	Хар бир тижорат банки кредит сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқоролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини хімоя килиш тўғрисида" ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги ва банк фаолиятига доир бошқа Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг молия-башк тизимиға оид Фармон ва карорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банклари кредит сиёсатига инсбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида" ги Низом талабалари асосида мустакил ишлаб чиқади. Хўжалик юритувчи субъектининг хисоб сиёсати "Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот" номли 1-сон БХМС асосида ишлаб чиқлади.

Ҳозирги кунда Республикамиз банклар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил килиш ва унинг натижалари асосида баҳолашда турли хил усул ва воситалардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил килиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва муҳторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлардан фойдаланиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигига 3 та синфга ажратиш асосида баҳо берилади.(1.4-жадвал)

1.4-жадвал

Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонлари⁸

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Қк)	$Қк > 2$	$2 > Қк > 1$	$1 > Қк$
2. Ликвидлилик коэф (Лк)	$Лк > 1,5$	$1,5 > Лк > 1$	$1 > Лк$
3. Муҳторлик коэф (Мк)	$Мк > 60\%$	$60\% > Мк > 30\%$	$30\% > Мк$

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилигини баҳолашда амалдаги тартибларда айrim камчиликлар мавжуд. Жумладан:
-коэффициентларни хисоблаш усулидаги камчиликлар;

⁸ Тижорат баластарининг кредит сиёсати асосида тайёрланади.

- молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўклиги;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда истиқболдаги кўрсаткичларга аҳамият қаратилмаганлиги;
- кредитга лаёқатлилик юзасидан синфларга ажратиш халқаро нормаларга мос тушмайди;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг ахборот тизими орқали хавфхатарни тўлиқ баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъект ва тижорат банклари ўртасидаги кредит муносабатларида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини ўрганишни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юкорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан кўзланган асосий мақсад кредит олувчи хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Натижада эса кредит тўловлари билан боғлик рискларни сезиларли даражада камайтиришга эришилган бўлар эди.

1.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг хориж тажрибаси


Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини кенг камровли таҳлил қилиш асосида аниқ ва тўлиқ баҳолаш учун ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Хориж тажрибасида кредитга лаёқатлиликни баҳолашда асосий эътибор молиялаштиришнинг мақсади ва муддати, кредит таъминоти, хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан боғлик рискларни таҳлил қилиш ва молиявий таҳлилга қаратилмокда.

Иктисадчи олим В.С.Просалованинг фикрича, бугунги кунда дунёда ягона стандартлашган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш тизими мавжуд эмас[35; 57-б.].

X/R 30359/14
TMI kutubxonasi

Ривожланган мамлакатларда кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг турли хил усулларидан фойдаланилади. Жумладан, профессор И.В.Вишняков томонидан кредитга лаёқатлиликни баҳолашни таснифий баҳолаш ва комплекс тахлил моделлари тавсия этилган. (1.2-расм)



1.2-расм. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлиигини баҳолаш моделлари⁹

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш моделларидан бири таснифий баҳолаш моделидир. Ушбу модел қарздорларни фарқлаш имкониятини беради. Таснифий баҳолаш модели ўз ичига қўйидагиларни олади:

Рейтинг модели - бунда қарз олувчиларнинг молиявий ахволи, турли молиявий коэффициентлардан фойдаланган ҳолда тоифалар бўйича гурухларга ажратилади.

Башоратлаш модели - бунда қарз олувчининг банкротлик эҳтимоли ранжирланади.

МДА – кўп дискриминантли тахлил амалга оширилади.

CART модели молиявий коэффициентлар орқали баҳолашдан иборат.

Америка Кўшма Штатларида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда 6-“С” қоидаси усулидан фойдаланилади. Ушбу усул хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини комплекс тахлил қилиш орқали тўлиқ баҳолаш имконини беради.(1.5-жадвал)

⁹ <http://www.financelimit.ru/ljmfs-373-1.htm> сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

1.5-жадвал

Кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг 6-“С” қоидасининг таснифи¹⁰

6-“С”	Таснифи
Character(характер)	мижозинг кредит тарихи, бошқа кредиторлар билан иш тажрибаси, кредит олишдан мақсади, бизнес режим түзилса да мисжоз тажрибасини ифода этади.
Capacity(имкошлайт)	мисжоз ва кағолатчишарнинг хуқукий фаолиятини низом, карорлар, көлшиувлар ва мижознинг юридик статусини тасдиқловчи хужожатлар, бажарилгаётган операциялар, маҳсулотлар, асосий мисжозлар, таъминотчилар баёни ифода этади.
Capital (маблаг)	карз олувчининг сармоясининг старлигиди характерлайди
Collateral (таъминот)	активларга эгалик хукуки, активларнинг фойдаланиши муддати, маънавий эскириш эҳтимоли, активларнинг колдик қийматини ифода этади.
Conditions (шартлар)	мижозинг соҳа ва тармоқдаги ўрни ва бозордаги улуши, уларни киёсий таҳлил қилиш, тармоқни технологик ҳамда иктиносий вазият ўзгаришига мосланувчанлик даражасини, маҳсулотнинг ракобатборо дошигигина баҳолашни назарда тутади.
Control (назорат)	банк ҳодимлари томонидан мисжоз фаолиятини назорат кишиб туришини назарда тутади. Банк фаолиятига оид қонуилар ва кредитларга кўйилган талаблар, назоратчилар учун тегишли хужожатлар, кредит олиш учун тузилган хужожатларнинг тўғрилиги ва қарзни тан олиш юзасидан имзоланган хужожатлар, банк кредит сиёсатига кредит буюртмасининг мослиги баҳолашни ифода этади.

Бу усулда банк мисжоз билан сұхбат олиб боради, архивдан мисжоз тўғрисидаги маълумотларни ўрганади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади.

Англия банкларида мисжознинг кредитта лаёқатлигини баҳолашда саволлар ва рақасидан фойдаланилади. Саволларга олинган жавоб асосида кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул килинади. Саволлар-варақасида дастлаб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва фаолияти атрофлича ўрганилади. Бунда қуйидагиларга муҳим аҳамият берилади: раҳбарнинг оиласи, обрў-эътибори, соғдилиги, банкка танишлиги, банк билан муносабатлари; бошқарув таркиби: ҳодимлар малакаси, маълумоти, мутахасислик бўйича стажи, бошқара олиш қобилияти; хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга қобиллиги: тўлов интизомига риоя қилиш, бизнес талаблари асосида фаолиятни ташкил этганлиги.

Кредитта лаёқатликни саволлар варакаси орқали баҳолагандан сўнг, purpose (кредит мақсади), amount (кредит суммаси), repayment (кайтариш), viability (кредитлангаётган лойиҳанинг реаллиги), risks (рисклар), security

¹⁰ www.banking.com сайти маълумотлари асосида тайёрланди.


(тъминланганлик), profitability (фойдалилик) каби асосий кўрсаткичлар текширилади[52; 360-б].

Бу усулнинг афзал томони кредитга лаёқатлиликни баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда раҳбар билан савол-жавоб асосида унинг фаолиятига ва хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий жihatларига баҳо берилади. Иккинчи босқичда эса номолиявий кўрсаткичлар асосида атрофлича ўрганилади.

Ушбу усулнинг камчилиги асосий эътибор номолиявий кўрсаткичларга қаратилганлигидадир. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволини очиб берувчи молиявий кўрсаткичлар деярли ўрганилмайди.

Европа банкларида “CAMPARI” усули катта шухрат қозонган бўлиб, унда мижознинг характеристи, кредитни қайтариш қобиллиги, даромадлилиги, кредитнинг мақсадли йўналишлари, кредит микдори, кредитни қайтариш шартлари, тъминланганлиги, кредитни қайтмаслик риски сугуртаси кабилар асосий мезон сифатида каралади (1.3-расм).

Ушбу усул кўп параметрларни ўз ичига олганлиги сабабли кредитга лаёқатлиликни баҳолашда энг тўғри қарор кабул қилиш имконини беради.



1.3-расм. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг “CAMPARI” усулининг асосий мезонлари[26; 24-б.]

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда **PARTS** усулидан ҳам кенг фойдаланилади. Бу усул қуйидаги мезонларга таянган ҳолда кредитга лаёқатлиликни баҳолайди¹¹:

- Purpose**- кредитнинг мақсадлиги;
- Amount** – кредитнинг миқдори;
- Repayment** – карзни тўлаш тартиби;
- Term** – муддати;
- Security** – кредитнинг таъминланганлиги.

Фикримизча, кредитга лаёқатлиликни тахлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолашнинг барча усулларида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволини тезкор ўрганиш имконини берувчи молиявий коэффицентлардан фойдаланишни мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

Америкалик таникли олим Э.Рид томонидан кредитга лаёқатлиликни тахлил этиш ва баҳолашнинг кўрсаткичлар тизимиға қуйидагилар киритилади[68; 10-б.]:

- ликвидлилик коэффициентлари;
- айланиш коэффициентлари;
- маблағларни жалб қилиш коэффициенти;
- фойдалилик ва рентабеллик коэффициентлари.

Ушбу коэффицентлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ахволини ўрганиш, молиявий натижалари, маблағларнинг ликвидлилиги, айланиши ва келгусида тўловларни ўз вактида амалга оширилишини башоратлаш имконини беради. Ушбу усулда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилганлиги, кредитга лаёқатлиликни кенг қамровли ўрганиб бўлмайди.

Айни вактда, мазкур усулларнинг айрим камчиликлари мавжуд бўлиб, У.Азизов ва бошқалар томонидан уларнинг асосийлари сифатида

¹¹ <http://www.bankmain.ru/banks-1049-2.html>

куйндагылар келтирилген[52; 361-б.]:

- бозор барқарорлиги күрсаткичларини хисобга олиш имконининг йўклиги;
- корхонанинг узоқ муддатли даврий ораликларда тўловга қобиллигини занф тарзда хисобга олинганлиги.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда келгуси даврни прогнозлаш, айниқса келгусида банкрот бўлиш эҳтимолини баҳолаш муҳим омиллардан бири хисобланади.

Дунё амалиётидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик эҳтимолини баҳолаш бўйича Альтман, Бивер, Лиса, Таффлер, Савицкий, Кадырова, Жданова ва бошка кўплаб моделлардан фойдаланилди. Бу моделлар карзни қайтара олмаслик даражасига караб кредитга лаёқатлиликни синфларга ажратишни характерлайди. Амалиётда энг кўп кўлланиладиган ва ишончли моделлардан бири - бу Альтман моделидир.

Э.Альтман модели бўйича банкротликни аниклаш куйидаги формула асосида хисобланади:

$$Z(A)=1,2 * K_1 + 1,4 * K_2 + 3,3 * K_3 + 0,6 * K_4 + K_5$$

Бу ерда:

$Z(A)$ – хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик даражаси комплекс кўрсаткичи;

K_1 – Ўз айланма маблағлари((480+490-130) сатр 1-шакл)/баланс суммаси (400 сатр 1-шакл)

K_2 – соғ фойда(270 сатр 2-шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1-шакл)

K_3 – даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (240 сатр 2-шакл) + фоизлар шаклидаги харажатлар (180 сатр 2-шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1-шакл)

K_4 – акцияларнинг бозор қиймати / мажбуриятлар (770 сатр 2-шакл)

K_5 – маҳсулотларни сотишдан соғ тушум(010 сатр 2-шакл)/баланс суммаси(400 сатр 1-шакл)

1.6-жадвал

Альтман модели бўйича кредитга лаёқатлиликни баҳолаш¹²	Кредитга лаёқатлилик	Банкротлик эҳтимоли
Альтман кўрсаткичлари Z(A)	Жуда ҳам паст	Жуда ҳам юқори
1,81 >	Паст	Юқори
от 1,81–2,77		
от 2,77–2,99	Ўртacha	Ўртacha
> 2,99	Юқори	Паст

Бу усульнинг афзал жиҳати хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш эҳтимолини аниқ кўрсатиб беради. Z(A) - хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик даражаси комплекс кўрсаткичига қараб банкрот бўлиш эҳтимолига баҳо берилади.

$Z(A) < 1,81$ – хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш эҳтимоли юқори даражада (80% дан 100% гача бўлиши мумкин)

$2,77 > Z(A) > 1,81$ – хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш эҳтимоли ўртacha даражада (35% дан 50% гача бўлиши мумкин)

$2,99 > Z(A) > 2,77$ – хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш эҳтимоли паст даражада (15% дан 20% гача бўлиши мумкин)

$Z(A) > 2,99$ – хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати баркарор, яқин 2 йил давомида тўловга лаёқатлилик риски жуда паст даражада.

Германия банкларида хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда меҳнат салоҳиятига ҳам юқори зътибор берилади. Банкларни мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда қизиқтирадиган муаммолар қуидагилардан иборат[15; 368-б.]: тадбиркорнинг шахсий характеристи: хулқ-атвори, киликлари, ташки кўриниши, одати, таъсирчан талаффузи, одиллик даражаси(иктисодий ва молиявий ҳолати тўғрисида очиқ сўзлаши), ёши, оиласвий ҳолати, жамоат ишлари ўрни, мансаби ва қизикишлари; умумий маълумоти: ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, малакаси, рискка қўл уруши, иқтисодиётга қизикиши,

¹² http://economiportal.ru/ponyatiya-all/altman_z_model.html сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

режалаштириш қобиляти; жисмоний ҳолати: соғлиги ҳолати(олдинги касалликларни хисобга олган ҳолда), спорт билан шуғулланиши; техник билем савияси: маҳсус ўкув юрти, тажрибаси, ишга ихтисослашуви; мулки: ташкилот ишларида катнашиш даражаси, шахсий мулки, кўчмас муллка эгалик қилиши, даромаднинг бошқа манбалари, хўжалик юритувчи субъект даромадидан шахсий фойдаси, шахсий қарзлари, солик мажбуриятлари, оила аъзоларининг мулкий ҳолати, мусобақаларда иштироки ва бошқалар.

Банк амалиётида кенг қўлланилиб келаётган усуллардан яна биттаси бу кредит скоринг усулидир. Кредит скоринг усулининг ижобий томони маълумотлар автоматлаштирилган тизимда қайта ишланганлиги операцион рискларни камайтириш имконини беради. Бу усулда инсон омили таъсири камаяди, натижада жорий харажатлар қискаради. Кредит скоринг усулининг бошқа усуллардан яна бир афзал жиҳати хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёкатлилигини баҳолаш тез суръатда амалга оширилишидир. Бу усулининг банк учун салбий жиҳатлари мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланганлигидир.

“Кредит скоринг усули” хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёкатлилигини баҳолашда молиявий ахволини балларда баҳолашга асосланган. Айниқса, Америкада FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг баллари машхур бўлиб, унинг қиймати 300 балдан 850 баллгача бўлган интервалда баҳоланади[15; 368-б.]. Бунда иккита муҳим жиҳатга асосий эътибор қаратилади:

1. FICO скоринг баллари асосий омиллар асосида хисоблаб чиқарилади;

2. Мижознинг кредитга лаёкатлилигига тўплаган баллар шкаласи асосида баҳоланади.

FICO кредит скоринг усулида асосий хисобланган бешта омил таркибланади ва улар куйидагилардан иборат¹³:

- тўловлар тарихи – 35%;

¹³ <http://chicagorcally.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score>.

- жорий мажбуриятлар – 30%;
- кредит тарихи ёши(муддати) – 15%;
- қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги – 10%;
- банкда мавжуд ҳисоб вараклар ва кредит турлари – 10%.

FICO кредит скоринг усулида тўпланган балларга, караб ўрганилган мезонлардан келиб чиқиб кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади (1.7-жадвал).

1.7-жадвал

FICO кредит скоринг усули ва унинг таснифий жиҳатлари¹⁴

№	Омиллар	Баллар шкаласи	Ўрганиладиган жиҳатлар
1	Тўловлар тарихи	35%.	Мажбуриятларни вақтида тўлаши (кредит тарихи бўйича олинган маълумотлар кредит хисоботида акс эттирилади). Ушбу бўлим шунингдек, банкротли эхтимолига олиб борувчи мажбуриятларни акс эттиради
2	Жорий мажбуриятлар	30%.	Кредит карталарига эга бўлиш ва уларда мавжуд карздорлик ҳолатини акс эттиради
3	Кредит тарихи ёши(муддати)	15%.	кредит ёши, охирги кредит ёши, барча кредитларнинг ўртача ёши, кредит муддати; кредит ҳажми; дастлабки кредит даври
4	Қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги	10%.	кредит карталари, жорий тўловлар, йўл кредит карталари ва ипотека кредитларидан фойдаланганлик даражаси
5	Банкда мавжуд ҳисоб вараклар ва кредит турлари	10%.	Янги олинган кредитлар мавжудлиги

Мижознинг кредитга лаёқатлиигини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолаш бўйича тўплаган баллар шкаласи асосида куйидагича баҳо берилади¹⁵ (1.8-жадвал).

¹⁴ <https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score> сайди маътумотлари асосида ишлаб чиқолган.

¹⁵ <https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score>.

1.8-жадвал

Кредит скоринг модели бўйича кредитга лаёқатликини баҳолаш тартиби¹⁶

Баллар интэрвали	Баҳо	Изоҳ
760 баллдан 850 баллгача	Энг азло дарражада	Кредит ажратилади
700 баллдан 759 баллгача	Жуда яхши холатда	Кредит ажратилади
660 баллдан 669 баллгача	Яхши холатда	Кредит ажратилади
620 баллдан 659 баллгача	Ургача дарражада	Кредит ажратилмайди
580 баллдан 619 баллгача	Ёмон холатда	Кредит ажратилмайди
500 баллдан 579 баллгача	Энг ёмон холатда	Кредит ажратилмайди

Ривожланган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда мижознинг маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Бунда маҳсус тестлардан фойдаланилмоқда Ана шундай тестлардан бирин “қизил сигналлар тизими” бўлиб, у орқали мижозларнинг ишончлилигини аниклашга имкон беради[51; 303-б.] (1.9-жадвал).

1.9-жадвал

Карз олувчининг фаолиятига баҳо берувчи “қизил сигналлар тизими”[51; 303-б.]

Бўлим-жар	“Сигналлар” тизими	Тасвиғи
I	Карз олувчи тарихидан “сигналлар”	Карз олувчининг яхни утмишдаги молиявий ахволи; карз олувчи маътумотларида и мутаносибликлар ва қирама-каршиликлар.
II	Карз олувчининг бошқариш қобилиятига доир “сигналлар”	Карз олувчининг ишончин алекалари мавжуд ҳамкориши кидирмоқда; бошқарувчининг паст маънавий сифатлари; бошқарнишдаги тез-тез ўзгаришлар; бошқарувчининг ховлиюма характеристири; бошқарувчининг кредитлаш жараёнини тезлаштиришга характеристириларни ёки зорлашишлари.
III	Айланма активлар. Ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи “сигналлар”	Мол етказиб берувчи ва харидорлар категорининг фарқлари; карз олувчининг ўз дебиторлари устидан назорати сусайғанлиги; карз олувчининг бутугиги куида муаммоларни бошидан кечираётган соҳлаға тегиншлилиги; балансининг актив ва пассив моддалари бўйича мутаносиблиги.
IV	Кредитлашга төғишли “сигналлар”	Карз олувчи кредит мақсадини аниқ кўрсатмайди; карз олувчида карзин тўлаш бўйича аниқ дастур йўқ; кредитни тўлаш бўйича захира маблаглари йўқ; карз олувчи моддий таъминотга эга эмас; карз олувчининг кредит саволномаси ёмон асосланган; карз олувчи бир вактиниг ўзида ҳам активлари, ҳам умумий капитали гаровига ссуда олишини мўлжалсалаган; кредит бевосита юймат ташкил этилувчи, ишлаб чиқариш жараёнинга эмас, балки муомила соҳасига йўналтирилган; кредитни кайтариш мүддати тўлиқ асосланмаган.
V	Белгиланган нормаларда четлашиш бўйича “сигналлар”	Ўз хўжалик фаолияти бўйича хисобот маълумотларини тақдим этиш даврийлигидаги бузилишлар; банк хисоб варакалариги юртишда нормалардан четлашишлар; кредитлаш шартларининг кайта кўрилиши, кредитни кайтариш схемадаги ўзгаришлар, ссудани чўзиши бўйича таклифлар; хўжалик фаолияти молиявий кўрсаткичларини режадан фарқланниши; карз олувчининг маҳорати ва хисоб тизимларидан четлашишлар.

¹⁶ <http://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/11/кредитная-история-fico-score-credit-score> сайтини маълумотлари асосида таъсирланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда субъектнинг раҳбари билан сўралаётган кредитни ишлатиш мақсади ва унинг учун самарали жиҳатлари ҳакида гаплашиши ва унинг жавобига караб, кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида карор қабул қилишда фойдаланиш жуда муҳим хисобланади. Қарз оловчи кредитни олдиндан тузилган режа асосида олаётган бўлса уни тўлиқ тавсифлаб бера олади. Агар қарз оловчи кредит мақсадини ва унинг ишлатилишини аниқ асослаб бера олмаса, демак пухта тузилган режа асосида иш олиб бормаётганини билдиради. Бу эса кейинчалик кредитни ўз вактида қайтара олмаслигига олиб келади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги муаммолардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқ баҳолаш орқали кредит қайтмаслик рискини камайтиришдир. Хориж тажрибасида банк кредитининг қайтмаслик рискини камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда турли хил усувлардан фойдаланиб келинмоқда.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган усувларнинг киёсий таҳлили 1-иловада келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил этиш ва баҳолашнинг амалдаги тартиблари ва уларнинг Ўзбекистондаги банк амалиётида услубий, ташкилий, хуқукий-меъёрий жиҳатдан тубдан фарқланишлар мавжудлигини кўриш мумкин.

1.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг ахборот таъминоти

Хўжалик юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолаш услубиятининг муҳим элементларидан бири унинг ахборот таъминоти хисобланади. Бундан кўринадики, хўжалик юритувчи субъектларда банк кредитлари жалб

қилишда кредитга лаёқатлилигини тахлил қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига мувофик бўлган ишончли ахборот таъминотини шакллантириш зарурдир. Амалиётда, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги тахлили ва унинг натижалари асосида баҳолашнинг ахборот таъминотини тўғри шакллантиришда бир қанча муаммоли жиҳатларга дуч келинади.

В.В.Глушенко ўз тадқиқотлари натижасида, қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш тартибида тўртинчи муҳим муаммо сифатида ахборот таъминотини шакллантириш билан боғлиқлигини таъкидлаган [23; 17-б.]

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолашда ахборот таъминоти билан боғлиқ муаммолар қуидаги хисобланади:

- ахборотларга қўйиладиган талабларни аниклигини таъминлаш;
- ахборот ишончлигини таъминлаш;
- ахборотларни унифиқациялаштириш ва соддалаштириш;
- ахборот алмашинувини тезлаштириш.

Ушбу ахборот таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши ишончли маълумотга эга бўлиш, кредитга лаёқатлиликни аниқ баҳолаш, қоғозбозликни камайтириш ва тезкор кредит жалб қилиш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар белгиланган талаблар доирасида шакллантирилиши ахборотнинг ишончлигини таъминлаб беради.

М.Пардаев ахборотларга қўйиладиган талабларни куйидагиларга ажратган[64; 101-б.]:

- ахборотни ҳаққонийлиги;
- ахборотни бир хиллиги;
- ахборотни тезкорлиги;
- ахборотни таққосланиши.

Б.Хакимов ахборотларга қўйиладиган талаблар қаторига

куйидагиларни киритган[69; 137-138 б.]:

- ҳаққоний ва холис бўлиши;
- манбалар тахлил мақсадлари учун мослаштирилган ҳамда кенг имкониятли бўлиши, яъни режа, ҳисоб ва статистик маълумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши керак;
- иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбалар аниқ ўлчамларда акс эттирилиши лозим;
- барча манбаларнинг умумий бирлиги ва узвий боғликлиги сакланилади ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилиши такозо этилади;
- манбалардаги қўрсаткичларни аникланиш тамойиллари ва акс эттириладиган даврлари мослиги таъминланиши зарур.

Ахборотлар аниқ талабларга жавоб бериши унинг ишончли бўлишини таъминлаб беради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ахволини тахлил қилишда фойдаланиладиган ахборотлар ҳалқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган янги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конуннинг З-моддасида бухгалтерия ҳисобининг принциплари сифатида ахборотларнинг узлуксиз, ишончли ва қиёсланувчан[3] бўлиши зарурлиги келтирилиб ўтилган.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолашда юқорида келтирилиб ўтилган талабларга жавоб берадиган маълумотлардан фойдаланса, баҳолашнинг аниқлилик даражаси юқори бўлишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил қилишда фойдаланиладиган ахборотларни соҳа олимлари ўз илмий изланишларида бир қанча турларга ажратиб ўрганишни тавсия этишган.

Соҳаси мутахасиси М.Ю.Рахимов томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фойдаланиладиган ахборотларни қуийдаги турларга ажратилган(1.10-жадвал).

1.10-жадвал

Миңознинг кредитта лаёқатлигни баҳолашда тақдим этиладиган манбаларнинг ахборот таркиби [65; 392-б.]

Ахборот манба-тари	Ахборот тарқиби
Тасис хужожатлари	Капитал таркиби Фойдаланушилдишилари Акционерлар таркиби Корпоратив маъкозининг ички таркиби
Бухгалтерия ҳисоботи	Корхона мулки таркиби ва тузилиши Корхона молиявий ҳолати, тўловга қобишиниги ва молиявий барқарорлиги Хусусий ва қарзга оливган маблаглардан самарали фойдаланиш ҳолати Дебигорлик ав кредитгорлик мажбуриятларини таркиби, тузилиши ва нисбати Кредитторлар олинидаги мажбуриятларни қоиласи даражаси Корхонанинг фойдалиги Пул маблагларининг оқими Иқтисодий ичораликка тушмаслик ҳавф хатарининг даражаси
Техник иқтисодий асослари, бизнес режи	Корхонанинг доиги, шуҳрати Корхонани ривожлантириши стратегияси Ташкилий структура сифати Татминот сифати Активлар сифати Операцион фаолиятининг даражаси Техник қўролланишин даражаси Маҳсулотларни сотиш базорининг диверсификацияси
Кредит бюоролари	Бошқа кредитларни олинганинги Бошқа кредитлардан фойдаланганлик даражаси Кредит тарихи
Бошқа банклар	Бошқа кредитлар Бошқа кредитлардан фойдаланганлик даражаси Молиявий активлари
Ташкилотлар, ракобатчилар	Базордаги обрўси Базордаги улуши Ракобатдаги қайратлиги Тармоқлаги ўрни
Ҳаридорлар	Ракобатчилар ўртасидаги шуҳрати Сотиш ҳажми Маҳсулот сифати Ҳаридорларни кредитлаш шартлари
Мол етказиб берувчилар	Кредитор обрўси Кредитлаш шартлари Маҳсулот етказиб беринц ҳажми Кийсий ўрни
Бошқа маъбалар (рейтинг агентликлари, биржа маълумотлари ва.х.к.)	Макроиктисодий маълумотлар Тармоқ бўйича маълумотлар Маҳсус ҳисботлар Статистик манбалар

Т.Каралиев кредитга лаёқатлийни таҳлил қилишда куйидаги маълумотлардан фойдаланишни тавсия этади [59; 347-б.]:

- а) бевосита мижозлардан олинган материаллар;
- б) мижоз ҳақидаги банк архивида мавжуд бўлган материаллар
- в) мижоз билан иш юзасидан алоқада бўлган шахслар (унинг, мол етказиб берувчилари, кредиторлари, унинг мижозлари, банклари ва бошқалар) томонидан берилган маълумотлар;
- г) хусусий ва давлат агентликлари ва ташкилотларининг хисоботлари ва материаллари (кредитга лаёқатлилик ҳақидаги хисоботлари, инвестиция бўйича маълумотномалар ва бошқалар).

Ривожланган мамлакатлар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги хужжатларни кўриб чиқиш тавсия этилади[51; 270-б.]:

- 1) Қарз оловчи корхона таъсис хужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- 2) Молиявий хисобот: корхона баланси ва охирги уч йил учун фойда ва зарар хисоботлари;
- 3) Касса тушумлари ва ҳаракати тўғрисидаги хисоботлар;
- 4) Ички молия хисоботлари;
- 5) Ички оператив хисоб бўйича маълумотлар;
- 6) Молиялаштиришнинг прогнозлари;
- 7) Энг керакли қўшимча ахборот сифатида солик декларациялари;
- 8) Бизнес-режалар.

Мижоз ҳақида керакли маълумотларни тўпланиши унинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва тўғри баҳолаш имконини беради (1.4-расм).




1.4-расм. Мижоз ҳақидаги ахборот манбалари[58; 611-б.].

Жумладан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш тартибига асосан талаб қилинадиган хужжатлар каторига қуйнадагилар киритилади:

1. Кредит олиш учун ариза;
2. Қарз олувчининг таъсис хужжатлари (таъсис шартномаси, устави ва
ѣ.) нусхаси;
3. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида хужжат нусхаси;
4. Хўжалик субъектлари раҳбарларига тавсифнома;
5. Таъсисчиларнинг улуш қўшганлигини тасдикловчи хужжатлар;
6. Банклар билан кредит муносабатларининг тарихи;
7. Охирги уч йил учун чораклар кесимидағи молиявий хисобот
8. Кредитнинг ўзини-ўзи қоплаш муддатидан кам бўлмаган даврдаги маркетинг стратегияси ва техник иқтисодий асос (ТИА) ёки бизнес-режа;
9. Ускуна етказиб бериш бўйича шартнома (ёки мақсадлар баённомаси). Сотиб олинаётган ускуналар техник паспорти. Ўхшаш ускуналарнинг қиёсий тавсифи, нархи, унумдорлиги ва х.к.;
10. Пудрат ишларига шартнома (ёки мақсадлар баённомаси);
11. Хом-ашё ва материаллар етказиб бериш бўйича шартномалар (баённомалар) – асли ёки нусхаси;
12. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотиш бўйича шартномалар (мақсадлар баённомалари). Маркетинг тадқиқотлари;
13. Қурилишга ер ажратилиши бўйича хужжатлар (ижара шартномаси);
14. Кредит таъминоти бўйича маълумот;
15. Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун лицензия (агар фаолият йўналиши лицензияланадиган фаолиятлар рўйхатига кирса);
16. Импорт шартномасига асосан харид қилинаётган янги технологик ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа асосий воситаларнинг шартномада белгиланган харид нархлари жаҳон бозори конъюнктурасига мувофиқлиги тўғрисида мустақил консалтинг корхоналарининг ижобий хуносаси.

Кўшма корхоналарни кредитлашда, корхонанинг аъсисчилари ҳакида кўшимча маълумот талаб қилиниши мумкин (юридик мақоми, молиявий ҳолати). Ушбу рўйхат қатъий равишда белгилаб қўйилмаган, лозим бўлганда банк юкоридагилардан бошка ҳужжатларни ҳам талаб қилиш хукукига эга.

Юкоридаги каби кўп ҳужжатларнинг талаб қилиниши амалда, кредит жалб қилишда, хўжалик юритувчи субъектлар учун турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиигини тахлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолашнинг мезонларидан келиб чиқиб, ҳужжатларнинг аниқ тартиби белгиланиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлииги тахлилининг асосий тартиб қоидаларини белгилаб олиш зарурдир (1.5-расм).



1.5-расм. Кредитга лаёқатлилик тахлилининг асосий тартиб-қоидалари¹⁷.

Бизнингча, кредитга лаёқатлилик тахлилининг тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлииги тахлилининг ахборот таъминотини куйидагича шакллантириш мақсадга

¹⁷ Илмий тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси.

мувофиқдир:

1. Хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этиладиган маълумотлар:

- а) юридик хужжатлар;
- б) молиявий хисобот;
- в) бизнес режа маълумотлари(олинган кредит юзасидан);
- г) киска ва узок муддатли ривожланиш стратегияси(корхона фаолияти юзасидан).

2. Банк томонидан тўпланадиган маълумотлар:

- а) мижознинг кредит тарихи;
- б) корхонанинг бозордаги обрўси;
- в) кредит мақсади;
- г) бошқа кўшимча маълумотлар.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, бугунги кунда банклар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилаётган ахборотларнинг ишончсизлигидир. Амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этадиган ахборотларни нотўғри кўрсатиш ҳолатлари, яъни кредитга лаёкатли бўлиш учун сунъий равишда ошириш ёки камайтириш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёкатлилигини тўғри ва аниқ баҳолаш имкониятини бермайди.

Иzlанишлар натижаси шуни кўрсатадики, амалиётдаги мавжуд муаммолардан яна бири ахборот алмашинувининг секинлигидир. Хўжалик юритувчи субъект дастлаб туман филиалига кредит сўраб мурожаат қилади ва туманда кредит хужжатлари йиғма жилдини шакллантирилади. Агар, кредит суммаси юқори бўлса, унда кредит буюртмасини кўриб чиқиш шаҳар филиалига ва мос равишда Республикага тақдим этилади. Бу тартиб кредит буюртмасини қайта ўрганиш ва хужжатларни шакллантиришга умумий ҳисобда 3-4 ой вакт кетишини англатади. Кредит хужжатлар йиғма жилди тўлиқ шакллангандан сўнг юқоридаги инстанциялар бўйича мижозга кредит

ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади. Кредит буюртмаларини кўриб чиқишининг бу каби мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда[6].

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 марта “Банк хизматлари оммаболигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620-сонли Қарорининг 7-бандида “масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илгор банк хизматларини амалиётда рўёбга чиқариш ташабbusларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш[6]” вазифаларидан келиб чиқсан холда банк муассасалари учун кредит ахборотлари алмашинувини тезлаштириш ва ишончлилигини ошириш юзасидан “Давлат ягона интерактив ахборот базаси”ни шакллантириш лозим деб ўйлаймиз.

“Давлат ягона интерактив ахборот базаси”га киритилган маълумотлар базаси орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигига тезкор ва ишончли баҳо бериш имкони туғилади.

Бунда, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фойдаланаётган ахборотларни ишончлилигини таъминлаш мақсадида мижоз фаолиятини қисқа муддатли ўрганиш амалга оширилади. Қисқа муддатли ўрганиш, икки усулда ташкил этилиши мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида узоқ йиллик тажрибага эга бухгалтерларни жалб қилиб, банкда янги бўлим жорий этиш асосида;
2. Аудиторлик ташкилотлари билан шартнома имзолаш асосида.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти қисқа муддатли ўрганиш натижасида ахборотлар нотўғри тақдим этилган ҳолатлар аниқланганда жарималар белгиланади (сўралаётган кредит суммасидан 10-15% гача). Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилган ҳолатнинг учраши факат жарима белгилаш эмас, балки бундай ҳолатларда кредит ажратмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш чоралари кўриб чиқилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

1 БОБ.ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг назарий ҳамда услубий асослари.....	5
1.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг хориж тажрибаси.....	17
1.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг ахборот таъминоти.....	27
1 боб бўйича хулоса.....	37

2 БОБ.ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШ

2.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг хозирги ҳолати.....	40
2.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий ҳисбот маълумотлари асосида таҳлил килиш.....	51
2 боб бўйича хулоса.....	72

3 БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

3.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг замонавий усуллари.....	74
3.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усули.....	86
3 боб бўйича хулоса.....	109

4 БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

4.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги комплекс таҳлилини такомиллаштириш.....	111
4.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга	

лаёқатлилигини	баҳолашнинг	скоринг	моделини
такомиллаштириш.....			123
4 боб бўйича хулоса.....			135
ХУЛОСА.....			137
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....			140
ИЛОВАЛАР.....			147

МАВЛАНОВ НОРМҮМИН НОРМАТОВИЧ

**ХҮЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА
ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Монография)

Наш лиц. АI № 276, 15.06.2015

Босишга рухсат этилди: 19.02.2021 йил

Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman»

гарнитурада ракамли босма усулда чоп этилди.

Шартли босма табоғи 11.8. Адади 100 . Буюртма № 19-02

Тел: (99) 832 99 79; (97) 815 44 54

“LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти,
100071, Тошкент, Комолон кўчаси, 13.

«IMPRESS MEDIA» MChJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Күшбеки кўчаси, 6-уй.